

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 45 (66274)  
2000 йил 9 ноябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Avvallari reyting so'zini eshitganimda juda zo'r tuzum bo'lsa kerak deb o'ylandim, endi bilsam bu tuzum emas, beshafqat shahzoda ekan.

Bu shahzodani yig'ga qo'ygan talablari shu qadar jiddiyki, hademay suvimizni siqib oladi chog'i.

Mayli, hech qisi yo'q. Joriy va oraliq nazorat malaklarini og'zini moylasak bo'lgani!

Reyting o'z-o'zidan bizga "Besh baho" qaerda yashashini qo'sh-qo'llab ko'rsatib beradi. Eh, gapirish onson, lekin shuni amalda qo'llash juda qiyin ish-da! "Albatta a'lochilar uchun". Reyting bizni suvimizni siqishini

bilganimda avvalroq uning siquvlariga qalqon bo'la oladigan bilimlarimni jangga tayyorlab qo'yarmidim? Yaxshiyamki bir haftalik kuzgi ta'til

## BESHAFQAT SHAHZODA

eshik qoqib yordamga keldi. Bo'lmasam xolimga maymunlar yig'lashi turgan gap edi.

"9"yil o'qib bunchalik mag'rur shahzodani ko'rgan emasman. Umrida bahosi bilan qiziqmagan o'quvchilar ham o'qituvchilarning qo'lida arg'imchoq uchayotgan jurnal ketidan yugurib qolganlariga nima deysiz? Reyting Balovich deganlari esa juda

### Ta'til qanday o'tayapti, bolalik?

talabchan ko'rinadi: osonlikcha egilmaydi ham, yengilmaydi ham. Eh, bahoning qadriga Reyting qozoning Talab degan yig'ga tushib qovrilganimda gina yetibman-a! Bolalar, ko'zingizni kattaroq oching. Reyting degan beshafqat shahzodani aldab bo'lmaydi. Faqat bilim bilangina uning ustidan g'alaba qozonish mumkin.

**Munofat SADRIDDINOVA,**  
Nafis san'at litseyning  
10-sinf o'quvchisi.



Ta'til zavqi

### "БЎСТОН" БЕНУҚСОН, АММО...

2001 йил учун вилоятимиз миқёсида вилоят болалар ва ўсмирларга мўлжалланган "Бўстон" газетасига обуна авж олди. Негадир республика болалари ва ўсмирларининг "Тонг юлдузи" газетаси ёдга ҳам олинмади. Илгари мактабларимизда етакчиларимиз йиғилишлар, эшиттиришлар-у кечалар ўтказиб барча ўқувчиларни "Тонг юлдузи" газетасига обуна бўлишга жалб этишарди. Энди эса почта хизматчилари ҳам негадир сушт иш олиб боришмоқда, газетанинг янги сони қишлоқ болаларига бир ойдан ошиқ муддатда етиб боради. Шунинг учун ҳам қишлоқ мактабларида обуна кескин пасайиб кетган. Лоқайдлик, келажакка масъулиятсиз қарашдир бу, деб ўйлайман. Менимча "Тонг юлдузи" қизиқарли ва оммабоп газетадир.

... Мактабимизда шароит етарли эмас. Компьютердан деярли фойдаланмаймиз. Қиш фаслида электр қуввати, табиий газ умуман бўлмайди. Синфхоналаримиз қоронғи ва совуқ бўлади. Наҳотки билим масканини таъмирлаб бўлмайди...

Мен ўз муаммоларимиз ҳақида ўз газетам «Тонг юлдузи»га ёзгим ва ундан нажот кутгим келади.

**Дилрабо НАСРИДИНОВА,**  
Андижон вилояти,  
Избоскан туманидаги  
30-мактабнинг  
8-синф ўқувчиси.

«Тонг юлдузи»га



Men bobom O'tkir Abduazimov haqida gapirsam, yoshi bizdan kattalarning ko'zlari chaqna ketadi. - O'sha O'tkir Abduazimovni-ya? Demak, sen a'lochi qiz bo'lsang kerak. Chunki bobong juda bilimdon odam edi. Respublika gazetasida doim muxbir

Abduazimovning maqolasi e'lon qilinsa, albatda bir shov-shuvga sabab bo'lardi. Odamlar yaxshi yashasin, buning uchun sotuvchi tarozidan urib qolmasin. Dehqon qovun-tarvuzini selitra bilan semtirtmasin, oliy o'quv yurtlariga olim bo'ladiganlar kirsin, - deb yozardi-da rahmatli O'tkir aka. Ha, bobom olamdan o'tganlariga ko'p bo'ldi. Men bobomni eslay olmayman. Ammo bobomning shirin so'zlari, odamlar orasida qoldirgan yaxshi gaplari-yu xayrli

ishlari meni ularga munosib nabira bo'lishga undaydi. Shuning uchun ham o'tgan yili 1-sinfni maqtoy yorlig'i bilan bitirdim. Ustozim Nodira va Gulchehra opalar menga besh baho qo'yishayotganda, go'yo bobom oldida

## MENING JURNALIST BOBOM

hisob berayotgandek bo'laman. Faqat bilimdonlar o'qiydigan maxsus 2-"M" sinfga qabul qilganimda onam sevinganlaridan yig'lab yubordilar. - Qizim, sen men kabi tish doktori bo'lishing uchun albatta a'lo o'qishing kerak. Sinfga sadoqatli o'quvchi bo'ldedilar. Ha, men kelajakda onam Dilnoza O'tkirovna kabi tish doktori bo'laman. Maktabga har kuni otam meni olib borib qo'yadilar. Darsdan so'ng esa o'zim bir transportga chiqib onamning ishxonasiga kelaman. Onam tishi og'riganlarning tishini davolab,

yoki xunuk tishlarning o'rniga chiroyli tishlar qo'yib odamlardan rahmat eshitadilar. Shunda ularga juda xavasi keladi. Ta'til kunlarida har kuni onamning oldiga kelib o'tiradigan bo'ldim. Tishi og'riganlar mening dars tayyorlab, yoki kitob o'qib o'tirganimni ko'rib, o'zlarining farzandlari haqida gapirishadi. Yoki katta bo'lsang kim bo'lasan?-deb meni ham gapirtirishadi. Oqibatda og'riqlari biroz chekinadi. Onam esa bu og'riqni butunlay yo'qotadilar. Ha, mening ta'til kunlarim juda maroqli boshlandi. Odamlar bilan gaplashib, jurnalist bobom kabi ulardan ko'p narsa o'rganyapman.

**Dildora SUR'ATOVA,**  
Toshkentdagi 224-maktabning  
2-sinf o'quvchisi.



Билимга чанқоқ ўқувчилар нафақат мактаб дарсликлари билан қаноатланадилар, улар бадий, шунингдек сиёсий китобларни ҳам мутолаа қиладилар. Кундалик янгиликлардан бохабар бўлиш учун эса фарзандларимиз матбуот билан мунта-

зам таниш борадилар. Мана бизнинг вилоятимизда 673та мактаб бўлиб, унда 485250 нафар ўқувчилар сабоқ олмақдалар. Уларга "Қайси газетани севиб ўқийсизлар?" деб мурожаат қилганимизда, аксарият ўқувчилар "Тонг юлдузи"ни

ўқишларини айтишди. Шунинг учун ҳам яқинда 670 дан зиёд кутубхона мудирларини йиғиб мажлис ўтказдик. Мажлисдаги асосий масала обунага қаратилди. Ҳар ўн нафар ўқувчининг биттаси "Тонг юлдузи"га обуна бўлиши мажбурияти юклатилди.

Демак, вилоятимизда 2001 йилда 48525 нафар ўқувчи ўз газетасига обуна бўлади. Албатта бу унчалик кўп миқдорни ташкил этмайди. Биз обуна сонини ун-

дан-да кўпайтириш ниятидамиз. Чунки бир вақтлар болалар ва ўсмирлар газетасининг обуначилари бир миллиондан ортиқ эди. Нега мамлакатимиз сиёсати ва ватанпарварлик гоёсини болалар онгига сингдирадиган газетани ўз ўқувчилари ўқимаслиги керак?

**Каримжон АЛМАТОВ,**  
Наманган вилояти,  
Халқ Таълими бошқармаси,  
мактаблар бўлими бошлиғи  
сўзларини Олимжон  
ТУХТАНАЗАРОВ ёзиб олди.

### Тахририятдан:

-Раҳмат, Каримжон ака! Муштарийларимиз Наманган вилояти Халқ Таълими бошқармаси бошлиғи Дилшоода опа Дадажонованинг дил сўзларини ўқиб ҳам кўнгиллари тоғдек кўтарилган эди. Ахир болалар маънавияти учун жон куйдираётган устозларимиз бор экан, газета тахламлари ҳам «семириб», унинг маъно-ю мавзуси ҳам яхшиланиб боради-да. Чунки газета мактублар, хаққоний дил сўзларига суянади.

Азиз жонкуярларимиз! Биз ваъда вафоси билан бўлишга ишонамиз.

Мен Ҳамза туманидаги 212- мактабда ташкил этилган таэквандо машғулотига қатнашапман.

Тренеримиз Хилола опа бизга таэквандонинг бошланғич дарсини бераптилар. Биз ўқувчилар спортнинг бу турига жуда қизиқаяпмиз. Шунинг учун ҳар бир машғулотни қолдирмасдан қатнашамиз.

Опамиз «Мусобақалар сизларни пиштади», дейдилар. Лекин ҳали бирор бир беллашувларда иштирок этмаганмиз.

Айни таътил кунлари тренеримиздан қўшни мак-


таб ўқувчиларини мусобақага таклиф қилишларини сўрадик.

«Бу Опамиз рози бўлдилар. Дўстлик учрашуви бўлади», деб қўшиб қўйдилар.

Шу кунларда машғулотимиз қизигандан- қизиган. Бу учрашув биз учун синов бўлди. Шу боисданми, ҳаяжонимиз чексиз.

Бунда биз голиб бўлолмасмиз, бироқ кўп нарсани ўрганишимиз аниқ.

**Искандар ОДИЛОВ,**  
Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги 206- мактаб ўқувчиси.



### ЎСМИРЛАР ГАЗЕТА ЎҚИШАДИМИ?

Айни кунларда барча мактаблар қатори бизнинг мактабимизда ҳам 2001 йил учун турли нашрларга обуналар давом этяпти. Ўз хоҳиши билан турли нашрларга обуна бўлаётган тенгдошларим талайгина. Лекин, улар орасида ўзбек тилида чоп этиладиган газета ва журналлардан кўра чет элларда босилдиган, кўча-куйларда сотилаётган нашрларни ўқишни маъқул кўрадиган тенгдошларимиз ҳам йўқ эмас.

Бундай газета ва журналларни вароқлаб кўрсангиз, ур-сурлар, ҳаёсиз нарсалар ҳақидаги мақолаларга кўзингиз тушади. Ёшларимиз учун уларнинг ҳеч бир тарбиявий аҳамияти йўқ.

Менимча, ана шундай тенгдошларим республикамиз болалари ва ўсмирларининг ягона газетаси бўлмиш «Тонг юлдузи»га обуна бўлишса, ундаги мақола ва хабарларни ўқиб, маънавий озуқа олишса, ёшларига мос, хос иш бўларди.

**Ахрор АҲМЕДОВ,**  
Собир Раҳимов туманидаги 11-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.



Мактабдош дўстларим билан бўлган муносабатда муаммолар юзага келаяпти. Биз тўртта ўртоқ дўстмиз. Биринчи синфдан биргамиз. Уйимиз ҳам ёнма-ён.

Танаффус вақтларида мактабимизнинг чекка жойларида дам олишни яхши кўрамиз.

Сигарета чекиш менга сира ёқмайди. Бу ҳақда ўртоқларимга айтсам, улар устимдан кулишади. Агар уларга қўшилиб чекмасам бу даврани тарк этишим керак экан. Мен эса ёлғиз қолишни ҳам, сигарета чекишни ҳам истамайман. Нима қилсам тўғри бўларкин?

**РУСТАМ, 8-синф ўқувчиси.**

### ЎЗГАНИНГИЗ РОСТ БЎЛСА МУАММОЛАР ҲАЛ, ДЕЯВЕРИНГ!

Мен Навоий вилоятидаги оқ олтин жамоа хўжалигига қарашли Шохсувор қишлоғиданман.

Ривоят қилишларича, қишлоғимиз анча вақт сувсиз қолган экан. Шунда қўшни қишлоқ одамлари қишлоғимизга оби ҳаёт берибдилар. Бундан хурсанд бўлган қишлоғимиз одамлари уларни эъзозлаб, «бизнинг шохимиз», дея ҳурмат бажо келтиришибди. Шундан буён қишлоғимиз Шохсувор деб аталар экан.

Қишлоқдошларим ҳақида қанча гапирсам, мақтасам оз. Улар жуда иноқ, ростгўй, ишонувчан.

Биргина ишонувчанлигига мисол келтирмоқчиман. Жияним қишлоқдаги 11-мактабнинг 5-синфида ўқийди. Исми Ирода. У адабиётга қизиқади. Шеърлар ёзади, мактабда ўтказилдиган учрашувлар ҳақида мақолалар ҳам. Лекин бирор маротаба газета ва журналларга жўнатмаган. Чунки Ирода ва унга ўхшаган ўғил-қизлар газета ва журналларда босилдиган мақола ва шеърлар пуллик деб ўйлашаркан.

Болалар газетаси «Тонг юлдузи» орқали ўз қишлоқдошларимга ва албатта бундай нотўғри фикрда юрадиганларга, «Сиз ўз хат-хабарларингизни, шеърларингизни газета ва журналларга бемалол жўнатиңг. Агарда ўзганларингиз таҳририят ходимларига маъқул бўлса, у албатта чоп этилади»,-деб айтмоқчиман. Яқинда газета таҳририятида бўлдим ва мухбирларнинг ҳам газета ходимларининг ҳам самимияти, меҳрибонликларига қойил қолдим.

**Чарос ҲАМРОЕВА,**  
Йўлдош Охунбоев номидаги Республика тиббиёт билим юртининг 2-курс талабаси.

### ҲАЁТДА СИЗ КЕРАГИМ...

Ҳар куни ўқишга кетатуриб, «Меҳрибонлик уйи»нинг ёнидан ўтаман. Унинг ҳовлисида ўйнаб юрган жажжи ўғил-қизларни кўриб, юрагим эзилади. Тўғри, айримларининг ота-оналари ҳаётдан кўз юмганлиги боис шу ерга келиб қолгандирлар. Лекин, уларнинг аксарияти ота-онаси тирик етимлар эканлигини ҳам яхши биламан. Наҳотки шундай ширин-шакар болажонлар ота-онасига керак эмас, наҳотки бу жажжи юраклар бир хонадонга сифишмайди? Наҳотки бу маъсум гўдаклар ота-она йўлига кўз тикиб, аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкиб яшашга лойиқ бўлсалар? Шулар ҳақида ўйлар эканман, ҳаёлимдан куйидаги шеърим мисралар кечди:

*Ҳар тунда ойга қараб, сизни кутарман,  
Онажоним келсин дея, орзуларга тўларман.  
Ҳаётда сиз керагим, сизга етмоқ тилагим,  
Келсангиз гар онажон, мен бахтиёр бўларман.*

**Шаҳло МУТАЛОВА.**



Ҳурматли ҳоким бобо!

Қабулингизга бир неча бор киришга ҳаракат қилдик. Аммо, «Пайшанба - қабул куни келинг» деб оргимизга қайтаришди, сабаби, «пахта сиёсати» авжида эмиш...

Шунинг учун ҳам сизга газета орқали мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Гапнинг индалосини айтсам, шу йилнинг октябрь ойидан бери пахтакорларнинг хонадошида шомдан то тушгача электр чироғи ёлчителиб ёнмайди. Яна тумандаги 12 та қишлоқ умуман газлаштирилмагани етмаганидек, газ бор жойларда зангори олов бир товук тухумини илитгудек ҳам ёнмайди. Натижада, қишлоқ хонадонларида қора чироғу, қора кумғон ҳақиқий хизматкорга айланган.

24-, 19- умумтаълим мактаблари газлаштирилмаган. 19- мактаб-

нинг 2-,3-синф ўқувчилари ўқийдиган хоналар хашар йўли билан тикланган эди. Қиш кунларида ўқувчилар ўз уйларидан ўтин олиб бориб, хоналарни иситишга ўрганиб қолишган. Мактабда соғломлаш-

### ЭЙ, ҲОРМАТ... тириш

маскани-ю, спорт майдонларини бунёд қилиш хашарчиларнинг қўлидан келмади. Мактаб атрофидаги юқори қувватли электр трансформатори ота-оналарнинг юрагига ҳар дақиқа хавф солиб туради. Шу мактабнинг 3-«Г» синф ўқувчилари Ахрор Қамбаров, Ёрқин Муҳаммадиев, Элёр Собиров, Мирзаали Маматқуловлар мактаб ҳовлисида 4-5 қадок пахта топширишаётганининг гувоҳи бўлдим. Маълум бўлишича, улар бошлан-

### ЭЙ, ҲОРМАТ...

гич синф раҳбарининг кўрсатмасига биноан даладан

кўсак териб, уйларида чувиб, тонгда мактабга олиб келишар экан. Мактабнинг 180 нафар юқори синф ўқувчилари юқоридаги «шарт»ингизга-да кўниб, 20 тоннадан ортиқ пахта териб беришибди.

«Ўқувчилар теримчилар қатори бирор марта бўлса ҳам рағбатлантирилдимми?», деган саволимизга уларга етакчилик қилаётган Иброҳимжон Маназаров, Азиза Сулаймонова, Мақсуда Абдуллаева ҳам,

мактаб директори М.Эрматова ҳам бир овоздан «йўқ» деб жавоб беришди. Теримчи ота-оналарига яқин икки ой давомида мадакор бўлаётган ўқувчиларни наҳотки дам олиш соатларида телевизор кўриб, радио эшитишдан маҳрум қилишган бўлса?

Бу хатимни туман халқ таълими мудири А. Дехқонов, Х. Хакимзода номли ширкат хўжалиги раҳбари С. Мамадиевлар ҳам ўқишса дейман. Ҳақиқатни тан олиш мардларга, одил раҳбарларга хос.

**Учкўприк туман ҳокими,**  
Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати **Азимжон Муҳитдиновга очиқ хатни**  
**Мухтор БЕК** ё...



QO'SHALOQ BAYRAM

Gimnaziyamizda har bir bayram katta tantana bilan o'tkaziladi. Bayramlar davlat madhiyasi bilan boshlanib unga hammamiz jo'r bo'lamiz. Yaqinda til bayrami bo'lib o'tdi. Har yili daraxtlar oltinlangan paytda biz ona tilimizga davlat maqomi berilgan kuni bayram qilamiz. Bu bayram o'zligini anglagan har bir o'zbekka, diyorimizda yashab, istiqomat qilayotgan, shu tilni, shu vatanni sevgan har bir inson qalbiga bir dunyo quvonch hadya etadi. Biz oq sut bilan ruhimizga singgan, juda qadim zamondan, buyuk ota bobolarimizning o'lmas meroslari orqali bizgacha yetib kelgan tilimiz haqida olam-olam quvonch bilan she'rlar, sahna ko'rinishlar namoyish etdik. Tadbirga shoira Oydin Hojiyeva tashrif buyurdilar. Ular yangi she'rlardan o'qidilar. Bilim dargohimizda she'rxonlik avj oldi. Keyin maroqli suhbat bo'ldi. Gimnaziyavizda ta'lim olayotgan yosh qalamkashlar o'zlarining she'rlaridan o'qidilar. 3-5 sinf qizlari maqomga hiron ayladilar. Raqsni O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan artist Gulnora Jo'raeva sahnalashtirgan. Qo'shaloq bayram o'yib ruhda o'tdi.



Behzod IKROMOV, Ijtimoiy yo'nalishdagi Respublika maxsus gimnaziyaning 2-sinf o'quvchisi.

ТАЪТИЛ ҲАМ ЎҚИШ

Биринчи чоракнинг охири куни устозимиз Машкура опа бизга таътилда қиладиган ишларимиз хусусида сўрадилар. Айрим ўқувчилар ойимникига бораман деса, айримлари уйда дам оламан, дейишди.

Мен эса ойимнинг уй ишларига ёрдам бераман, бўш вақтимда «Ўзбек халқ эртаклари»ни ўқиб чиқаман. Математика фанидан кўплаб мисол-маسالалар ечаман, дедим.

Жавобимдан хурсанд бўлган устозим менга «баракалла» дедилар ва :

-Таътил ҳам ўқиш, ўрганиш. Бу давр сизларга ўтган мавзуларни яна бир бор такрорлаш учун берилади, дедилар. - Иккинчи чоракнинг биринчи соатида «Таътилда мен нима қилдим?» мавзусида суҳбат ўтказамиз. Суҳбат давомида уялиб қолмаслигингиз учун ҳозирдан нима қилишингизни белгилаб олинг. Ва, албатта газета-журналлардан ўқиган мақолаларингиз ҳақида ҳам гапириб берасиз, - дедилар устозимиз.

Назаримда баъзи ўйинқароқ синфдошларим Машкура опамизнинг гапларидан хулоса чиқариб оладилар.

Насиба ЮСУПОВА, Тошкент вилоятидаги 6- мактаб ўқувчиси.

Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди.

Ислом КАРИМОВ.

Тасодифан бир танишимни учратиб қолдим, фарзандларини мактабга олиб кетаётган экан. Уйининг атрофида бир неча мактаблар бўлса-да, болаларини анча олисдаги 249-мактабга берган экан. Сабабини сурштирсам, «бу жуда кучли мактаб-да» деди. Бу гапни биргина ундан эмас, бир неча одамдан эшитганим бонс, қизиқишим ортиб, «кучли мактаб» сари йўл олдим.

Буни қарангки, мактабда ўтказиладиган бир тadbирнинг, С. Раҳимов тумани миқёсида Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг 11 йиллигига бағишланган «Тил байрами - дил байрами» деб номланган кечанинг устидан чиқиб қолибман. Буюк шогирдларнинг ўзбек тили ҳақидаги ҳикматли гаплари, халқ мақоллари билан безатилган сах-

рувчиларимиздан 45 нафари олий ўқув юртларига ўқишга киришди. Ўқувчиларимиз орасида иқтидорлилари ҳам талайгина. Улар туман, шаҳар, республика миқёсида ўтказилаётган кўриктанловлар, фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, мактабимиз шарафини ҳимоя қилишиб, фахрли 1-,2-ўринларни эгаллаб келишяпти. Бундай ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ албатта. Физика, математика, инглиз тили, иқтисод, абитуриент каби фан тўғарақларининг мунтазам ишлаб турганлиги самарасидир. Бундан ташқари жисмоний тарбия фани ўқитувчилари Азизжон Содиков ва Зухраҳон Раҳимоваларнинг ташаббуслари билан баскетбол, футбол, таэквандо тўғарақлари ҳам ташкил қилиниб, улардаги машғулотлар кеч соат 6 да бошланади. Бунинг сабаби бор.

Юқори синф ўқувчилари кечки пай кўча-кўчаларда куйда бекорчиликдан зеркиб ўтирмасликлари учун машғулотлар ана шу вақтга белгиланган.

Яқинда мактабимизнинг 7-синф ўқув-

харбий таълим фани ўқитувчиси Билов Иван Аркадьевич, тарих фани ўқитувчиси Марҳамат опа Қосимова, Ҳилола Абдусаттарова бошчилигида мунтазам чоп этилиб, юқори синф ўқувчиларига бепул тарқатилади. Мақсадимиз - ўқувчиларимиз қонунларимизни яхши билишсин, билиб-билмай жиноят кўчаларига кириб қолишмасин, турли оқимларга кўшилиб кетишмасин. Газетани ўқиб, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашсинлар, ўзлари ҳам мақолалар ёзиб туришсин...

1997 йилда мактабимизда чет тили, информатика, иқтисод фанлари чуқур ўқитиладиган банк синфлари ташкил қилинган бўлиб, унинг илк битирувчилари 25 нафар ўқувчининг 21 нафари олий ўқув юртларига ўқишга киришди.

Айни кунларда ҳамма ерда бўлгани каби бизнинг мактабимизда ҳам обуна мавсуми қизгин давом этяпти. Ўқувчиларимиз ўз хоҳишлари билан «Тонг юлдузи», «Гулхан», «Ғунча», «Синфдош», «Класс» каби нашрларга обуна бўлишяпти. Кузатишлар шуни кўрсатяптики, кўпроқ ўқувчиларимиз «Тонг юлдузи»га ёзилишяётган экан. Сабабини сурштирсам, «Бу газетада

эълон қилинаётган мақола ва хабарларни кизиқиш билан ўқиймиз, бошқотирмалари, хандалари бор. Яна, маънавий дарсларимизда унда чоп этилаётган мақолалардан фойдаланамиз», дейишди.

Мактабимизни нима сабабдан «кучли мактаб»



нага мактабнинг она тили ва адабиёт фани муаллими Дилором Зуфарова ва Фарида Назируллаевалар чиқиб, кечани олиб боришди. Уларнинг маҳоратини, бошловчилик қобилиятларини 243-,111-,185-,46-,кўйингчи, тумандаги барча мактаблардан кечага меҳмон бўлиб келган ҳамкасблари юксак баҳолашди. Сўнгра сахнага чиққан уларнинг шогирдлари - А. Темур, А.Навий, Нодираю Увайсий тимсолидаги ўғил-қизлар ҳам газалхонликда устозларидан қолишишмади. Уз она тилига рус тилидаги ибораларни кўшиб гапиришни замонавийлик деб тушунадиган айрим ёшларимиз ҳақидаги сахна кўринишлари намойиш этилди. Айниқса, мусиқа фани ўқитувчиси Маҳмуда Бадалова бошчилик қиладиган хор жамоаси ижросидаги кўшиқлар барчага манзур бўлди.

Тadbир якунида туман халқ таълими бўлими мудирининг ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Московцева Тамара Дмитриевна, услубчиси Мунира Мағрупова, 243-мактаб ўқитувчиси Маъмура Иброҳимовалар сўзга чиқиб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар, ажойиб тadbир ташкилотчиларига, унинг иштирокчиларига миннатдорчилик билдиришди. Уларнинг дил сўзларига, ўқувчиларнинг шодликларига шерик бўляпману ҳаёлимдан бир савол нари кетмасди: «Нима учун «кучли мактаб» дейишаркин?». Узоқ йиллардан бўён мактабга раҳбарлик қилиб келадиган Хава опа Ҳамедова билан бўлган суҳбатимизда саволимга жавоб топгандек бўлдим:

-Мактабимизда 47та синфда 1865 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. 1999-2000 ўқув йили мактабимиз учун омадли бўлди. 54 нафар бити-



чиси Гулноза Мусаёнова «Соғлом авлод йили» га бағишлаб ўтказилган «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловида қатнашиб, голибликни қўлга киритиб қайтганида бошимиз кўкларга етди.

Айтишларича, Германия мактабларида ҳеч қандай тadbирлар, кеча ва анжуманлар уюштирилмас экан. Ўқувчилари дарсдан бўш вақтларини дискотекаларда, уйингоҳларда ўтказишар экан. Юртимиздаги таълим жараёнини шакллантиришда чет эллардаги таълим-тарбия жараёнининг яхши жиҳатларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Менимча, Германия мактабларининг бу жиҳати унчалик тўғри эмас. Ўсмирларнинг бўш вақти қанчалик кўп бўлса, бекорчиликдан зеркиб, бебошлик кўчаларига кириб кетишлари мумкин. Шу маънода мактабимизда ўтказиладиган бугунгидек кеча ва тadbирларга, «Сиз қонунни биласизми?», «Яшил чироқ - 2000», «Тарихингизни биласизми?», «Саломатликнинг ёш посбонлари» каби кўриктанловларга ўқувчиларни жалб этиш катта аҳамият касб этади.

Мактабимизда ташкил қилинган «Инсон ва қонун» тўғарақининг фаолияти ҳам мақтаса арзигудек. Қўлимдаги мана бу «Ўсмир ва қонун» газетасини ана шу тўғарақ аъзолари чиқаришди. Бу газета энди ҳар ойда бир марта бошлангич



дейишларини билмайману, лекин бу ном биз учун юксак баҳо. Қиладиган ишларимиз, ютуқларимиз юзага чиқибди. Ютуқлар эса барчамизники - аҳил ўқитувчилар жамоамизники, зукко ва билимга чанқоқ ўқувчиларимизники, қолаверса, ҳар ишда бизга ҳамфикру ҳамроҳ бўлиб келадиган ота-оналаримизники, маҳалламиз фаоллариники. Бу ном зиммамизга янада кўпроқ масъулият юкляпти ҳам...

Хава опанинг гапларидан, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан қилган суҳбатимиздан «Кучли мактаб»нинг ҳақиқатдан ҳам кучли эканлигига яна бир бор амин бўлиб, фарзандлар таълим-тарбиясидек хайрли ишларида муваффақиятлар тилаб қайтдик.

Ҳимматли директор опамиз айтганларидек, 2001 йилда бир мактабда минг муштарийнинг «Тонг юлдузи» ўқиши, чиндан ҳам бу даргоҳда маънавий баркамол болалар камол топаётганидан далолатдир.

Феруза ЖАЛИЛОВА. Суратларда: Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб-гимназия ҳаётидан лавҳалар.

*Яқинда тахририятимизга бир ажойиб инсон меҳмон бўлиб келди. Ким бўлди экан, дейсизми? Номларини айтишим билан дарров танийсиз. Ёдингизда бўлса, шу йили май ойида "Иқтисодиётдан сабоқлар" сиртқи мактаби танловининг якуни бўлиб ўтган эди. Мазкур танлов ғолиби бўлган кўплаб тенгдошларингиз телевизор, магнитофон, аудиоплеерлар ҳамда дипломлар билан тақдирланишгани ҳам ёдингиздадир. Ғолибларга ўз ҳисобидан совғасаломлар улашган тадбиркор акангиз, иқтисод фанлари номзоди Эргашвой Сариков келдилар. Бу серҳиммат инсон билан яқиндан танишгимиз, бодалик чоғлари, оппоқ-оппоқ орзулари, қилаётган хайрли ишлари ҳақида билгимиз келди.*

Эргашвой аканинг болалиги Жалолобод вилоятининг сўлим, жаннатмакон Сузоғида, Кўгартсойнинг соҳилларида ўтди. Қишлоғининг ҳар бир сўқмоғи, шарқираган сойнинг ҳар бир ирмоғи азиз ва ардоқли унга. Соя-салқин боғлари-



да ёнбошлаб ўқиган қизиқ-қизиқ эртақлари, бувижонисидан эшитган ривоят ҳикоятлари ҳали-ҳануз ёдида. Унутиб бўларканми ахир? Аксинча, ёши улғайгани сари ўша кунларни бот-бот ўйлайдиган, хотиротлардан кўп-кўп сўйлайдиган, ўша маъсум, бетакрор онларни дам-бадам кўмсайдиган бўлиб қолган...

### УСТОЗ, БИЗГА ДАРС ЎТМАНГ...

Толстой номли 1-мактабда дарсга кириш учун кўнгирак чалинди. Ҳамма ўқувчилар қатори 3-синф ўқувчилари ҳам синфга кириб, ўз ўринларини эгаллашган. Олдинги қаторлардан бирида ўтирган Эргашвойнинг вужуди кулоққа айланган. Устозининг ҳар бир сўзини диққат билан тинглайди. Дарс якунида устози болаларга қарата: "Қани болалар, кимда қандай савол бор?", дея мурожаат қилди. Эргашвой худди шу гапни кутиб тургандек ўқитувчисини саволларга "кўмиб ташлади". Устози эса жавоб топиб беролмай қолди. Шунда Эргашвой болаларча соддалик билан: "Устоз, сиз бизга дарс ўтманг. Берган билимингиздан қониқмаяпмиз. Бошқа ўқитувчи кирсин", дея кўнглидаги гапни айтди-қўйди.

### ТАДБИРКОРЛИКНИ АВЗАЛ КЎРДИ

Мақтабда олаётган билимидан, қолаверса, ўз-ўзидан қониқмаслик ҳисси Эргашвой акани Тошкент Давлат Университетига ўқишга кирган кезларида ҳам тарқ этмади. Барча фанлардан фақат беш баҳо-ларга ўзлаштиришига қарамай, бир йил ўтар-ўтмас бу ўқув юртини ташлаб кетди. Кейинчалик Москвадаги Темирязов академиясининг иқтисодиёт факультетини иқтисодчи-ташқилотчи мутахассислиги бўйича муддатидан илгари имтиёзли диплом билан тамомлаб қайтди.

Собиқ Иттифоқ даврида ишлаб-

чиқариш соҳасида иқтисодчи, бош иқтисодчи, бир қатор раҳбар лавозимларида хизмат қилади. Ўша кезларда ўз фикр мулоҳазалари, ғояларини амалда тадбиқ этишга, ташқилотчилик қобилиятини намоён этишга маълум бир тўсиқлар, чеклашлар ғов бўлганлигини алам билан хотирлайди. Мустақиллигимиз шарофати

билан республикамизда хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилиб, Эргашвой ака сингари илмли, билимли, янгиликдан чўчимайдиган инсонларнинг "бағрига шамол тегди". Ўзи ишлаб турган раҳбарлик лавозимидан кечиб, хусусий тадбиркорлик соҳасида иш бошлади. Республика-миздаги биржалар фаолиятига бош-қош бўлди. Иқтисодий билимдонлиги ўз тизими бўйича иш юритишда, ишлаб-чиқариш, савдо-сотик, молиявий тадбиркорлик сингари тадбиркорликнинг турли соҳаларида ўзини синаб кўришида асқотди.

Бир неча йилдирки иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари бўйича илмий изланишлар олиб борапти. Ўнлаб ўқув қўлланмаларига муаллифлик қилди. Британия кенгаши билан ҳамкорликда мактаблардаги дарс жараёнини фаоллаштириш, ўқувчиларга бериладиган билимларни амалиётга яқинлаштириш, янги типдаги интерактив усулни Ўзбекистон иқтисодиёт таълими тизимига кириштириш, шу соҳага оид ўқув қўлланмалари яратиш борасида иш олиб борапти. 9-, 11-синф ўқувчилари учун "Иқтисодиёт сабоқлари" ўқув қўлланмасини ёзди. Шунингдек, 5-, 6-, 7-синф ўқувчилари учун дарслик, академик лицейлар ва коллежлар талабалари учун мўлжалланган ўндан ортиқ ўқув қўлланмаларининг муаллифи ҳамдир. Шу кунларда бозор иқтисодиёти йўналиши бўйича маркетинг мавзусида диссертация ёқлаш арафасида.

### ЮРГАН ДАРЁ, ЎТИРГАН БЎЙРА-

деганларидек, Эргашвой ака дунё кезган тадбиркорлардан. Хизмат юзасидан жуда кўплаб чет элларда сафарларда бўлган. Америкалик, англиялик тадбиркорларнинг ишбилармонлиги, маҳорати, иқтидорини тан олади. Лекин ҳеч бир давлатда, ҳеч бир халқнинг тилида "маънавият" сўзининг таржимаси-

ни топа олмади. Бу сўзнинг маъноси, мазмун ва моҳияти фақатгина бизнинг халқимизга, ўзбек халқи-гагина аён эканлигидан дилида фахр-ифтихор ҳиссини туйди. Шунинг баробарида анчадан буён унга тинчлик бермай келаётган ўй-фикрлар, таъбир жоиз бўлса, оғриқли бир дард ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

### ЎҚИБ ШАҲАР ОЛИБ БЕРАРМИДИНГ?

-Иш билан бир дўконга киргандим,- деб ҳикоя қиладилар Эргашвой ака.- Ота-бола ўртасидаги жанжалнинг устидан чиқиб қолибман. Ота ташқарида савдо қилиб, 14 минг сўм пул ишлаб келган ўғлининг бошига урапти. Этибор беринг-а, у ўғлини мактабга бормагани, дарсдан қочгани ёки бўлма-са икки баҳо олгани учун эмас,

ни виждон амри деб билсалар, ҳеч қачон кам бўлмайдилар...

### Э, ОТАНГГА РАҲМАТ!,-

деб қўямиз беихтиёр бирор кишидан мамнун бўлсак. Сўзи билан иши бир бўлган Эргашвой аканинг бу миннатдорчилик сўзларини эшитмаган кунлари йўқ ҳисоби. Чунки қилаётган хайрли ишларининг ҳисоби ҳам, саноғи ҳам йўқ. Ҳар бир куни савобли унинг. Ака-укалари Комилжон, Ёқубжон акалар билан баҳамжиҳатликда юрт фаровонлиги, фарзандлар камолоти йўлида хизмат қилишяпти. Туманда фақатгина ҳайрия ишлари билан шуғулланувчи "Сотволди Хожи" хайрия фирмасини ташкил қилишган. Ўғиллари маблағ билан таъмирлаб турадиган бу фирмага Эргашвой аканинг отаси Сотволди Хожи ота бош-қош. Фирманинг фаолияти кам таъминланган

## ЎН УЧ ЁШИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ТАМБИЛЛАШ

кам-роқ пул топиб келгани учун жазо-ляпти...

"Ўқиб шаҳар олиб берармидинг? Ундан кўра пул топишни ўрган. Бизнесмен бўлсанг, пичоғинг мой устида бўлади. Керак бўлса дипломи ҳам сотиб олаверасан", - деювчи ота-оналарнинг ҳам йўқ эмаслиги кишини ташвишга солади. Ёшларимиз онгидаги миллий, умуминсоний қадриятлар ўрнини моддий манфаатдорлик эгаллаб олаёт-

оила-ларга ёрдам бериш, болалар уйлари, мактаб ва касалхоналар таъминотига ҳисса қўшиш, спорт ишларини жонлантириш, каналлар қозиш, йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви ва электр энергияси тармоқларини қуриш каби хайрли ишлардан иборат. Эргашвой аканинг ташаббуси билан фирма қошида хусусий лицей ташкил этилиб, у ерда 306 нафар сузоқлик ўғил-қиз таҳсил оляпти. Тумандаги ёш футбол ишқибозларини жамлаб "Само" жамоаси тузилган. "Сотволди Хожи" кубоги учун футбол турнирлари ўтказиш яхши бир анъанага айланиб қолган. Серҳиммат ота-ўғиллардан меҳр-оқибат, саҳоват кўрган ёшу-қарининг қўли дуода: "тарбия берган ота-онангга раҳмат. Фарзандларинг роҳатини кўргин, илоҳ", дея миннатдорчилик билдиришади.

### АСТОЙДИЛ ҚИЛИНГАН НИЯТ,

албатта ижобат бўлади. Эргашвой аканинг ўн икки ёшида ўрта мактабни тамомлаб, ўн уч ёшида олий ўқув юртининг талабаси бўлган ўғли Шерзоджон, ўн бир ёшида 8-синфда таҳсил олаётган, республика миқёсидаги кўплаб викториналарнинг ғолиби бўлган Шамшодбек ва яна иқтидор-истеъдодда улардан қолишмайдиган уч нафар ўғил-қизлари ҳозирда ноқ ота-оналарига раҳматлар ёғдиришяпти. Фарзандлари ҳаётининг мазмуни саналмиш, улар камолотини кўриш орзу-умиди бўлган бир Ота учун бундан-да ортиқроқ бахт борми дунёда?!

Феруза АБДУСАМАД қизи.




Эргашвой ака Англияда таҳсил олаётган ўғли Шерзодбек билан.

гани ачинарли холдир. Республика-мизда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни орзулайдиган ўғил-қизларимиз жуда кўплаб топилади. Бундай ёшларимизга айтар сўзларим бор: Тадбиркор авваламбор ўта маданиятли, маънавиятли инсон бўлиши лозим. Бу нарсани болаларнинг онгига мактабларда ўқитиладиган "Иқтисод сабоқлари" дарсларида сингдира бориш керак. Яна, тадбиркор ҳар соҳадан хабардор, ўз устида тинимсиз ишлайдиган, ўзгаришларга, узоқ ва машаққатли меҳнатга шай турувчи, иродаси тобланган, ҳою-ҳавасга ружу қўймаган, тезда бойиб кетишдан қўрқадиган инсон бўлиши керак. Бўлган сари бўлишни ўйламай, хайрия ишлари-

### Тахририятдан:

*Азиз ўқувчилар, мана, Эргашвой аканиннинг ҳаёти, фаолияти билан яқиндан танишдингиз. Сизда ҳам худди унингдек ҳимматли, маданиятли, маънавиятли тадбиркор бўлиш истаги туғилган бўлса, орзуларингиз ижобат бўлсин. Бунинг учун эса ҳозирда ноқ пухта билим олиб, иқтисод сабоқларини мукаммал эгалаб боринг. Ўзингизни қизиқтирган барча саволларингизга Эргашвой акадан жавоблар, йўл-йўриқлар олишингиз мумкин. Яна бир янгилик! Яқинда Эргашвой ака ўзлари асос солган Жалолободдаги мактаб ўқувчиларидан 100 нафарини 2001 йил учун "Тонг юлдузи" га обуна қилдилар. Ҳимматингизга балли, Эргашвой ака!*



Дарҳақиқат, янги авлод деганда бугунги ва келажакдаги бахтиёр, шодон, эркин фикрли ва мустақил фарзандлар кўз олдимизда намоён бўлади. Уларга яратилаётган имкониятлар беҳисоб. Иқтидорли ўқувчилар лицейларга ошиқмоқдалар. Компьютер ва хорижий тил усталари чет эллик тенгдошлари билан беллашмоқдалар. Спорт соҳасидаги мард ўғил-қизлар юқори чўққиларни эгаллашяпти. Хунарманд ёшлар-чи? Уларнинг қўллари билан яратилган мўъжизалар дунё аҳлининг кўзини уйнатади. Ана шундай авлод ҳақида

кўрсатадилар. Бирорта янги кўрсатув бошладикми, кейин ёш ижодкорлар ўзлари давом эттириб олиб кетадилар. Бунга мисол қилиб “Уй вазифаси” кўрсатувини айтишим мумкин. Бошловчилар Отабек ва Ҳилола ўзлари тайёрлаб, ўзлари удасидан чиқмоқдалар. Бироқ биз бу биланги-

болаларнинг ташқи кўринишига, ўқишдаги ютуқларига умуман эътибор бермайман. Менга асосан эркин ва мустақил фикрловчилар керак. Суҳбат давомида шунга амин бўламанки, нимагадир ҳозирги болалар умуман бадиий китоб ўқимайдилар. Қандай қилиб инсон ҳаётни китоб-



та саволларини тарқатдик. Натижа биз кутгандан кўра аълоқ бўлди. Ўқувчилар бизнинг ҳамма кўрсатувларимизни мароқ билан томоша қилишар экан. Ҳаттоки, ҳамма иштирокчию бошловчилар ҳақида кўп маълумотга эга эканлар. Хурсанд бўлиб қайтдик.

**-Яна қандай янгилекларни жорий қилмоқдасиз?**

-Хабарингиз бор, кўрсатувларимиз фақатгина лотин алифбосида чиқади Яна “Янги авлод” театр тўғрагини очмоқчимиз. Сабаби, видеофильм ва сахна кўринишида кўп рақиб болалар иштирок этиши мумкин. “Шумболалар”, “Кичкинтой” тележурналида болалар характери, одоб-ахлоқ ҳақида томоша кўямиз. Ундан ташқари бир нечта видеофильмларни суратга олдик. Ҳар бири учун алоҳидадан сценарий, кўшиқ ва куйлар яратганмиз. Видеофильмларнинг муаллифи Анвар Обиджон. Муסיқаларни Алишер Икромов, Хуршида Ҳасанова, Лейла Муждабаева, Жумадилла Назаров басталаган.

**-Иш жараёнида қийинчиликларга дуч келасизми?**

-Қийинчиликларга дуч келмаймизу, бироқ ёрдамга муҳтожмиз. Бизга аниқ фанлар мутахассислари кўмаклашса нур устига аъло нур бўлар эди. Чунки кўрсатувларимизда хато ўтиб кетмаслигини истайман. Унинг олдини олиш учун эса биз тайёрлаётган тест саволларини, турли маълумотларни, вазифаларни мутахассислар бир кўздан кечириб беришса дердим. Уларни ҳамкорликка чорлайман. Шундай ўйин тариқасида викторина тузайликки, масалан физикани ёқтирмайдиган бола ўзи билмаган ҳолатда викторина саволларига жавоб қидириб, физикани севиб қолсин. Студиямизнинг мақсади ҳам шу. Болалар нафақат кўрсатувларни кўришсин, балки билим билан озиқлансин.

**-Суҳбатингиз учун ташаккур. Мухаррама ПИРМАТОВА суҳбатлашди.**



«Оқ кабутар» кўрсатувининг ижодкорлари

на чекланиб қолмаймиз. Ҳар сафар юқори чўққиларни кўзлаймиз. Ҳарчанд қийин бўлмасин, уни забт этишга ҳаракат қиламиз. То чўққини эгаллаганимиздан кейин, янги ва юқори чўққини наздимизга оламиз.

**-Биласизми, артист ва бошловчи бўлишни хоҳлаган, уларни ҳавас қилган болалар жуда кўччиликни ташкил қилади. Бу ҳам бўлса студиянинг имкониятидан бири. Сизга мурожаат этганларга нима деб маслаҳат берасиз?**

-Кўрсатувда қатнашмоқчи бўлганларга қатор талаблар қўйилади. Мен

сиз тасаввур қила олади, ҳайронман. Болалигим асосан китоб орасида ўтган. Ҳамма мумтоз ва замонавий муаллифлар китобини мутолаа қилганман. Шунинг учунми, бошловчи бўлмоқчи бўлган болалардан китоб ҳақида сўрайман. Афсус, қониқарли жавоб ололмайман. Бироқ мен қўлимдан келганча ёрдам бераман. Агар савол-жавоб вақтида ўзини ҳар жабҳада намоён қилса, ҳар қандай боладан ўз кўмагимни аямайман. Ўз гуруҳи билан иштирок этмоқчи бўлган болалар умумий гуруҳ билан тушган фотосуратларини, манзили, мактаби, синфи, йўналиши ва гуруҳ номию эмблемасини тўлиқ ёзиб, бизга жўнатишлари мумкин.

**-Кўрсатувлар ҳақида болалар қандай таассуротга эга деб ўйлайсиз?**

-Яқинда Бухородаги 33-, 34- ўрта мактабларда студиямиз ҳақида анке-

“ЯНГИ АВЛОД” АНКЕТАСИ

Исми шарифи \_\_\_\_\_  
 Манзили, мактаби, синфи \_\_\_\_\_  
 Ёши \_\_\_\_\_  
 1. “Янги авлод” студиясининг қайси кўрсатувлари сизга ёқади?  
 1. \_\_\_\_\_  
 2. \_\_\_\_\_  
 3. \_\_\_\_\_  
 2. “Янги авлод” студиясининг қайси кўрсатувлари сизга ёқмайди?  
 1. \_\_\_\_\_  
 2. \_\_\_\_\_  
 3. \_\_\_\_\_  
 3. Сиз ёқтирган бошловчи.  
 1. \_\_\_\_\_  
 2. \_\_\_\_\_  
 3. \_\_\_\_\_  
 4. Сиз ёқтирмаган бошловчи.  
 1. \_\_\_\_\_  
 2. \_\_\_\_\_  
 3. \_\_\_\_\_  
 5. Қайси кўрсатувда иштирок этишни хоҳлайсиз?  
 1. \_\_\_\_\_  
 2. \_\_\_\_\_  
 3. \_\_\_\_\_  
 6. Қайси мавзуда кўрсатувлар бўлишини истайсиз?  
 1. \_\_\_\_\_  
 2. \_\_\_\_\_  
 3. \_\_\_\_\_  
 7. “Янги авлод” студиясининг камчиликлари.  
 1. \_\_\_\_\_  
 2. \_\_\_\_\_  
 3. \_\_\_\_\_  
 8. Сизнинг таклифларингиз.  
 1. \_\_\_\_\_  
 2. \_\_\_\_\_  
 3. \_\_\_\_\_

Анкета саволларига аниқ ва тўлиқ жавоб ёзиб, “Янги авлод” студиясига ёки “Тонг юлдузи” газетасига йўллашингиз мумкин.

ОҚ ТЕРАК-МИ, КҮК ТЕРАК?

Мен ушбу студияда икки йилдан зиёд ишлаб келмоқдаман. “Бўш ўтирма”, “Кувноқ учрашув”, “Оқ кабутар” кўрсатувларига муаллифлик ва режиссёрлик қиламан. Кўрсатувлар тасмага олиниши жараёнида жуда кўп қизиқарли воқеалар бўладики, улардан бирини сизларга айтиб бермоқчиман. Хабарингиз бор “Бўш ўтирма” кўрсатувининг “Ланди-ланди” саҳифаси мавжуд. Унда ҳар доимдагидек ўйин, яъни “Оқ теракми, кўк терак” ўйини олинаётган эди. Болалар ўйинга шу қадар берилиб кетишдики, ҳатто бир қизалоқ съёмкани батамом унуттаёзди. У қарши гуруҳ томонга бор кучи билан югурдики, унинг назаридаги мустаҳкам занжир осонгина узилди. Натижада эса тахминан икки метрга учиб йиқилди.

Биз ана шу саҳифа учун танлов эълон қилганмиз. Танловдан мақсад, қадимий миллий ўйинларни топиш, уни тиклаш ва ривожлантириб болаларга тadbик этиш. Бизнинг миллий ўйинларимиз нафақат жисмонан ва маънан бойдир. Агарда сиз ҳам шу каби миллий ўйинларни билсангиз, албатта бизнинг кўрсатувимизга ёки ушбу газетга ёзиб юборинг. Хатларингиз ва таклифларингизни кутамиз.

**Дилбар РАҲМОНОВА, режиссёр.**

ва улар учун яратилган махсус студия ойнаи жаҳон орқали турли кўрсатувлари билан уйимизга кириб бормокда. Ҳа, адашмадингиз, бу “Янги авлод” студияси. Бугунги суҳбатимиз ҳам ушбу студиянинг фаолияти ҳақида бўлади.

Танишинг. Суннатилла Кўзиев - 1963 йил, 23 августда Самарқанд вилоятининг Булунгур шаҳрида таваллуд топган. Мактабни тугатиб, Маданият институтида таҳсил олган. Оилали, икки қиз ва икки ўғилнинг сеvimли дадажониси. Ёшлар телевидениесининг “Янги авлод” студияси раҳбари.

**- Фарзандларимиз шундай иддам одимлайитики, кундалик кўрсатувларимиз ҳам улар учун камлик қилаётгандай туюлади менга.**

-Фикрингизни тасдиқлайман. Студиямиз асосан болалар ва ўсмирлар учун кўрсатувлар, видеофильмлар, концертлар ва клиплар яратиш билан шуғулланади. Агар дастуримиз билан таниш бўлсангиз ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз. Турли мавзулар ва турли қарашлар билан йўғирилган кўрсатувларимизнинг рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлишига қарамай доимо изланишдамиз. Чунки ҳаётимизга кириб келаётган янгилек ва ахборотларни ўз вақтида забт этиб, уларни эфир орқали фарзандларимизга етказиш, болаларга озгина бўлса-да, билим бериш, шунингдек иқтидорли ўқувчиларни намоён этиш - вазифамиздир.

**-Кўрсатувлар ранг-баранглиги билан ўзини хос жозибали ҳам. Масалан, “Катта галафус”, “Эркатой”, “Кувноқ учрашув”, “Олтин калит”, “Спорт майдончаси”, “Оқ кабутар”, “У ким, бу нима?”, “Ким эпчил-у, ким чаққон?”, “Дунё ва болалар”, “Бўш ўтирма” кабиларнинг лойиҳа муаллифи ким?**

-Уларнинг 70-80 фоизи менинг лойиҳам асосида юзага келган. Шунинг айтиб ўтмоқчиманки, бизда қобилиятли ижодкорлар фаолият



-Манзура опа, санъат соҳасига кириб келишингиз ҳақида гапириб берсангиз?

-Санъатга кириб келишим боғча давримдаёқ бошланган. Бир куни ёзда боғчамизнинг ҳовлисида катта байрам бўлиб ўтди. Бу байрамда чет эллик меҳмонлар ҳам қатнашишди. Менинг ота-онам ҳам ўша ерда эдилар. Мен байрамда кўшиқ айтдим. Шунда дадамлар «қизим санъаткор бўлади», дедилар ва мени 2- мусиқа мактабига олиб бордилар. У ерда пионирдан дарс олдим. Лекин мен бу мактабдан безор бўлганман, чунки «тўғри чал», деб пионир ўқитувчимиз кўлимга электрон ручка билан урарди... 3-синфга ўтганимда ота-онам мени Успенский номли мусиқа мактабига ўтказишди. Бу мактабда ўқиш жуда мураккаб эди. Чунки биз 5-10 дақиқагина дам олардик. Қолган вақтда фақат ўз устимизда ишлардик. Мактабда хор дастуримиз ҳам бор эди. Мен хорда солист эдим. Концертларга ҳам қатнашиб турардик. Гоҳида мактабдан уйга кечки соат 10-11ларда қайтардим. Чунки синфдошларим билан пионирода мустақил шуғулланар эдик. Севимли дарсим вокал эди. Мен мактабимдан миннатдорман. Чунки, пионист бўлсам ҳам менинг истеъдодимга ишониб вокалдан соатлар ажратиб беришарди. Мен уларнинг яхшиликларини оқлашга интилдим, ҳаракат қилдим ва мактаб оркестрлари билан классик асарларини ижро этдим.



Мен «Осиё» гуруҳида ишлаб, томошабинларга танилдим. 1996 йили «Офарин» кўрик танловидеда қатнашиб, унда иккинчи ўринни олдик ва гуруҳимиз профессионал гуруҳ деб номланди.

-Гуруҳингиз «Осиё» деб аталишига ким сабабчи бўлган?

Бизга, мен билан Нигина опамга биринчи бўлиб бир инсон - Мухиддин ака Қамариддинов санъат йўлида катта ёрдам берганлар, ўз маслаҳатларини аямаганлар. Шу инсон гуруҳимизни «Осиё» деб аталишига сабабчи бўлганлар.

-Сиз яна нималарга қизиқасиз?

-Кейинги йилларда спортга бўлган қизиқишим ҳам ортиб бормоқда. Чунки авваллари спортни жуда ёмон кўрардим. Мактабда жисмоний тарбия дарсидан паст баҳолар олардим. Спорт турларидан бадминтонга жуда қизиқаман. Агар имкониятим бўлса, уйнаб тураман. Стадионларга бориб югуриб тураман. Машқ қилиш залларига ҳам тез-тез қатнаб тураман.

-Болалик даврингизни ҳам соғинасизми?

-Болалик, агар иложи бўлса боғчага борадиган пайтимга қайтган бўлар эдим. Чунки боғчада хоҳлаган ўйинингни уйнайсан, вақтида ухлайсан, уйда бўлса ота-онанг эркалатишади. Менинг энг ширин даврим-боғча даврим...  
-Мустақиллигимизнинг тўққиз йил-

Манзура опангизни жуда яхши танийсиз, тўғрими? Чунки сиз уларнинг «Ман, ман Манзура» деб куйлаган кўшиқларини ёлдан биласиз. Манзура Йўлдошева 1978 йил 21 феврал куни Тошкент шаҳрида туғилган. Оилада кенжа фарзанд. Тошкент Давлат Консерваториясини тамомлаган. Ош, лагмон, чучварани хуш кўрар экан. Шунинг учун ҳам бўш вақтида кўшиқ айтиб, ширин таомлар пиширгани пиширган...

лиги муносабати билан томошабинларга ҳавола этилган «Тоҳир ва Зухра» фильмида иштирок этдингиз.

Ушбу фильмга сизни ким таклиф этди?

-Мени «Тоҳир ва Зухра»га фильм режиссёри Мадина Мўминова таклиф этдилар. Фильмда мен экскурсовод ролида чиқдим. Менимча «Тоҳир ва Зухра» фильми ёмон чиқмади.

-Ёшу қарига тез танилиб кетган «Манзура» кўшигининг яратилиши қандай кечган?

-Мактабда исмиمنى тўлиқ айтишмасди. Шунинг учун исмиمنى менга ёқмасди. Бир куни шоир Шавкат Азимов менга менинг исмиمنى ҳақида шеър ёзганларини айтдилар. Мусиқасини эса ўзим ёзганман.

Шу кунларда шоира Умида Абдуазимованинг «Айирмоқчи бўларлар» шеърига мусиқа яратяпмиз. Бу кўшиқ мухлислар дилидан ўрин олади деган умиддаман.

-Инсонлардаги қайси фазилатларни қадрайсиз?

-Ҳалол ва ўзини ҳурмат қиладиган инсонларни қадрайман.

-«Тоҳир ва Зухра» фильмининг олиш жараёнида қийинчиликлар ҳам бўлдимми?

-Ҳа, бўлди. Чунки ўша пайтлари

институтни тугатаётган эдим. Бир ёқда давлатнинг имтиҳони бўлса, бир ёқда фильмга суратга тушиш жараёни эди. Мен уч кунга Самарқандга бордим. У ерда «Салама» кўшигига суратга тушаётганимда жазирама исинқ эди. Режиссёр бу кўшиқни оёқяланг айтишни тавсия этган эдилар...

Ушбу фильмдан кейин менга «Ёшлар канали» орқали «Жозибатор овоз соҳибаси» деган ном беришди.


Ўша онда устозларим, ху- сусан Убайдулла Аҳмаджоновни ҳаяжон билан ўйладим. Қувончимни улар билан бўлишим келди. Чунки улар менга вокалдан устозлик қилганлар. Шунингдек, эстрада юлдузларини ҳам устозим деб биламан.

-Болаларга тилақларингиз?

-Болаларни жуда яхши кўраман. Улар ўз йўлларини топиб, ўзлари истаган касб эгаси бўлсинлар. Ота-оналари ва устозларининг дуосини олсинлар.

-Сўхбатингиз учун раҳмат.

Сўхбатдош Нигора МИРЗАМУҲАМЕДОВА.



ОППОҚ, МОМИҚ КҮЁНЛАРИМ

Сизларни билмадиму лекин мен учун эрталаб уйқудан уйғониш азоб. Ойижоним «тур, тур» деявериб чарчаб кетадилар. Тунов куни «Ўғлим, туриб қуёнларингдан хабар олгин. Ини атрофида жунлари тўкилиб ётибди» деб қолдилар. Қандай қилиб қуёнларимнинг ёнига бориб қолганимни билмай қолибман. Ерга сочилиб ётган жунларини кўриб, бирор нарса еб кетдим, деб ҳам ўйладим. Кейин билсам, бир қуёним болалабди. Ақлини қарангки, ҳашаклардан саватча ясаб, момиқ юнларидан тўшаб, қуёнчаларини ўраб кўйибди. Хурсандлигимдан ойимнинг ёнларига ошиқдим: «Ойижон, суюнчи беринг, қуёним болалабди» дедим. Уларнинг маслаҳатлари билан қуёнчаларимни парваришлай бошладим. Бир ҳафта, ўн кундан сўнг қуёнчаларим анча улғайиб, сакраб-сакраб ўйнай бошлашди. Дўстларим мен боқётган бедана, тошбақа, қуёнларимга, тўтиқушларимга ҳавас билан боқишарди. Энди оппоқ, момиқ қуёнчаларимни кўришса, нима дейишаркин-а?

Темур РҮЗИМАТОВ.

«КАШАНДА» КУЧУК

Одамнинг энг яқин дўсти бўлмиш кучукларни жуда яхши кўрадиган одамлар уларни парваришлаб боқиб олади ва улар оила аъзосига айланишади. Ҳатто айрим давлатларга кучуклар учун паспортлар жорий этилган. Англия сайлгоҳларида кўплаб фуқаролар ўз кучуклари билан сайр қилишади. Аммо Аиде шаҳрида яшовчи аёл миссис Томлинсон ўзининг ёқимтой кучукчаси Софа билан сайрга чиқишга жуда уялади. Чунки Софанинг ғалати одати бор. У кўчадаги барча сигарет қолдиқларини териб, уйига олиб келади. Ҳар куни миссис Томлинсон уйи атрофида мингдан ортиқ сигарет қолдиқларини йиғиштиради. Кўшнилари миссис Томлинсонга ҳазил қилиб, кашандачи қани, деб у билан роса кулишади.



КЕЛГИНДИЛАР

Бу сўзнинг ўзи ғайри табиий, ҳатто фантастик маънони англатади.

-Ҳаёт ердан ўзга жойда ҳам мавжудми?

-Бор бўлса биз уларни қачон аниқ-тиниқ биламиз?

Аксарият астрономлар ерда миллиардлаб тирик организмлар, ҳайвонлар, одамлардан ташқари коинотнинг номаълум қайсидир бурчагида тирик мавжудотлар борлигини исботлашга ҳаракат қиладилар.

1953 йилда астрономлар томонидан учар объектлар ерга яқинлашгани кузатилган. Ердан 180,800 км. узоқликда 13 маротаба пайдо бўлган келгиндиларнинг ўзаро алоқа тўлқинларини тутиб қолишга муваффақ бўлинган. Америкалик кузатувчилар 1954 йилда Холмон ҳарбий базасида «Платон» (Келгиндилар билан алоқа ўрнатиш) ҳаво базасини ташкиллашди. Бу база орқали илк бора келгиндилар билан алоқа ўрнатилди. Шу йили АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари базасига 5га ўзга сайёра вакилларининг ҳаво кемалари учиб келди ва улар билан алоқа ўрнатилди. Ўзга сайёра вакиллари «Бетелгейз қизил юлдуз туркумили Ориондан» келганликларини ва уларнинг сайёралари ҳалокат ёқасида турганлигини маълум қилишди. Келгиндилар

жуда баланд бўйли, бурни узун, танаси кул ранг кўринишда бўлган.

Қисқа мулоқотдан АҚШ президенти Эйзерхауэр огоҳ бўлади ва келгиндилар билан бўлган кейинги алоқада у ҳам иштирок этади. Бу алоқа ўзгача бўлиб, АҚШ ва келгиндилар ўртасида ҳамкорлик қилишга эришилади. Ҳамкорликда келгиндилар ва ерликлар алмашишди. Ерда қолган биринчи ўзга сайёралик - Кирил исмли келгиндидир.

АҚШ маҳфий хизмат аъзоси Уильям Купер баёнатида кўра, темир моддаси олиш мақсадида 1989 йилда ерга 9 хил ўзга сайёраликлар келиши аниқланган.

Мен бу маълумотлар билан танишиш чоғида, бир фантаст адибнинг қойилмақом ёзган қиссаси бўлса керак, бу гаплар, деб ўйладим. Аммо бу маълумотлар ҳақиқат эди. Чунки келгиндилар билан алоқаларнинг барчаси кино тасмаларга ёзиб олинган. Ҳатто 1988 йил 14 октябрда АҚШ ойнаи жаҳони орқали берилган Майкл Селигманнинг «Яширилган ўзга сайёралар» фильмида ҳам бу кино тасмалардан фойдаланилган. Келгиндилар туширилган кино тасмалар ҳозирда АҚШ кино архивида сақланиб қолган.

Шарофиддин Рисқулов таяёрлади.




# Бизнинг дошларингиз ва жасодингиз



## ONA YURT FARZANDIMIZ

O'ynaymizmi? O'ynaymiz,  
Kuylaymizmi? Kuylaymiz.  
Ona yurt quchog'ida,  
Shodon o'sib, quvnamiz.



## MAKTABIM

Har tong barvaqt uyg'onib,  
Maktabimga shoshaman.  
Ilm olib, o'rganib,  
Dovonlardan oshaman.

Shoira bo'lsam deyman,  
Bo'lganimda me n katta.  
Xizmat qilib xalqimga,  
Foydam tegar albatta.

**Madinabonu Sharipova,**  
Toshkent shahridagi  
115-maktabning  
4-sinf o'quvchisi



## BUG'DOYZOR

Sattor aka, hormangiz  
Ishlab sira tolmangiz  
Bug'doyzorlarga qarang  
Boshloqlari oltin rang.  
Xalqim rizqi mo'l bo'lar.  
Xazina donga to'lar.  
Bizlar terdik bosnoq don  
Onam yopdi oppoq non  
Oilamiz shod hurrām  
Yurtimda bo'lsin bayram.

**Nodirabegim KOMIL qizi**  
Buxoro viloyati,  
Shofirkon tumanidagi  
6-maktabning  
4-sinf o'quvchisi

Ko'hna gramatika mamlakatining  
keksa xukmdorlaridan biri bo'lmish  
marfologiya shaxzodalik tojini kiygan  
kunidan boshlab, so'zning  
farzandlari o'n ikki nafar aka-uka  
Turkumovlar sinay boshlabdi.  
Chunki u aynan turkumlarinigina  
vazirlikka davogar bo'lishga xaqli deb  
bilardi. Oradan oylar o'tib, sinov  
navbati songa ham yetib kelibdi.  
Son boshqa so'z  
turkumlariga

## SONLAR SALTANATI

qaraganda  
ancha epchil bo'lib,  
necha, qancha, nechta,  
nechanchi kabi so'roqlarga o'ylanib  
o'tirmay bemalol javob berardi. O'zini  
mustaqil fikriga ega, qatiyatli son  
negadir egalik va kelishik kanizaklari  
bilan uchrashganda xuddi otlardek  
o'zgarib qolardi. Shunday paytlarda  
sonning hayajonda ishi  
ko'payib ketadida.  
Aytgancha son gap  
maxkamasining goh  
ikkinchi, goh birinchi  
darajalarida o'z  
faoliyatini olib  
borardi. Albatta  
kelishik va egalik  
kanizaging  
yordamida. U badiiy asarlar  
saroyiga chaqirtirilganda xarfiy to'nini  
kiyib borar va bu to'n uni vaqtinchalik  
matematik kataklardan ozod  
etganday bo'lib tuyulardi. Qoidalar  
qarorgohida qabul qilingan shartlarga  
binoan son o'z vazifalarini to'lig'icha  
bajarishi uchun yigirma uchta vakolat  
olgan bo'lib, o'zim kitob-hisobda  
mas'ul shaxs deb hisoblaydi. U  
haftaning olti kunida olti vazifani  
bajaradi. Dushanba, seshanba kunlari

miqdor va dona, chorshanba,  
payshanba, juma, va shanba kunlari  
esa tartib, chama, jamlovchi taqsim  
vazifalarini bajaradi. Kuni bo'yi  
senga o'ntadan, senga  
beshtadan deyaverib,  
charchagan,  
t a q s i m

vazifasini  
bajarayotgan  
bechora son soat  
yettalarda o'z ishini tugatib,  
inchi xonim bilan birgalikda aka-uka  
so'z turkumlarining sonini aniqlay  
boshladi. Negadir ularning soni  
beshtaga kamayib qolganday edi. Ha,  
bu modal so'z edi, albatta. Shu payt  
eshik ochilib, Morfologiya modal  
so'zning qo'lidan yetaklab kirib keldi  
va shunday dedi: -"Modal so'zni  
so'zning mart turkumlariga  
qo'shmaslik bu eng katta xato  
hisoblanadi",-dedi. So'z



t u r k u m l a r i  
M a r f o l o g i y a d e k  
shaxzodaning gapini  
yerda qoldirolmay  
modal so'zni o'z  
guruhlariga qo'shib  
o l i s h i b d i .  
Morfologiya songa  
tozalanib: "Sen esa ona tili  
saltanatida bajaradigan aniq va  
oqilona mehnating evaziga seni bosh  
vazir etib tayinlayman",-debdi.

Sonning saltanatda ishi ko'payib  
ketganidanmi yoki algebra xonimni  
shartlarini bajarish og'irlik qilib  
ketganidan ona tili saltanatida kam  
ko'rinadigan bo'lib qolibdi.

**Munajat SADRIDDINOVA,**  
Nafis San'at litseyining  
10-"A" sinf o'quvchisi.

## VATAN

Vatan - bizning uyimiz,  
Unda o'sar bo'yimiz.  
U bor bizlar erkin, shod,  
U bor uyimiz obod.

U borki, bizlar bormiz,  
Xizmatiga tayyormiz.  
U dunyoda yagona,  
U ona yurt, u Ona.

## QALDIRG' OCH

Bolam qolmasin deb och,  
Rizq qidirar qaldirg'och.  
Dala, bog'lardan oshar,  
Daryo, tog'lardan oshar.

Topganida u imkon,  
Keltirar ushoq yo don.  
Neki bo'lsa opkelar,  
Tumshug'iga sopkelar.

**Maftuna YARASHEVA,**  
Samarqand viloyati,  
Siyob tumanidagi  
56-maktabning 4-sinf o'quvchisi.

## KUCHUKCHAM

Bo'ynidagi ipini,  
Yubordim uzib.  
Endi kuchukcham turar,  
Ko'zini suzib.

Ovqat va non yemaydi,  
Dam olib turar.  
Oyi ayting kuchugim,  
Qachon yugurar.

## O'QUYMAN

Akam bilan o'ynayman,  
Opam bilan o'ynayman.  
Hech charchashni bilmayman,  
Lekin bir oz o'ynayman.

Qiyin ekan akamga,  
Qiyin ekan opamga.  
Nega deganingizda,  
Aka-opasi yo'qda.

**Munira AZIZOVA,**  
Sobir Rahimov tumanidagi  
196-maktabning  
7-"A" sinf o'quvchisi.

Ўзбекистон  
болалари ва  
ўсмирларининг  
газетаси

Муассислар:  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ  
ҚЎМИТАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»  
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:

Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,  
Йулдош САИДЖОНОВ,  
Ойниса МУСУРМОНОВА,  
Ҳотам АБДУРАИМОВ,  
Мукаррама МУРОДОВА,  
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,  
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир  
«Ijod dunyosi»  
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент  
Матбаа комбинатида  
офсет усулида 39092  
нусада босилди. Ҳажми 2  
босма табоқ.  
Буюртма - К-8398  
Газетани  
Муҳаббат МАҲСУДОВА  
саҳифалади.  
Навбатчи:  
Муҳаррама ПИРМАТОВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби  
№ 000137  
Манзилимиз 700129,  
Тошкент шаҳри, Навоий  
кўчаси, 30-уй.  
Индекс 198

Тел: 144-62-34.